

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 83 (10.388)

2005 ЙИЛ 28 АПРЕЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг КАРОРИ ШАҲАРЛАРДА ЙЎЛ ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти ва бошқа бир қанча вилоятларнинг ҳокимликлари шаҳарларни реконструкция қилиш ва ободонлаштириш, архитектура ва тарихий-маданий ёдгорликларни қайта тиклаш, транспорт магистраллари қуриш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш бўйича ишларни шаҳар қурилиши талабларини қўпол равишда бузган ҳолда, шаҳарларнинг истиқболли бош режаларини аниқ-пухта ишлаб чиқмасдан, аҳоли пунктларини зарур лойиҳа-режалаштириш ҳужжатлари билан таъминламасдан амалга ошираётганлиги йўл қўйиб бўлмайдиган фактлар деб ҳисоблансин.

Кайд этилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республиканинг шаҳар қурилишига оид қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПФ-2595-сонли Фармониغا Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қатъий риоя этишлари устидан тегишли назоратни амалга оширмаяпти.

Шаҳар қурилишида тегишли тартиб ўрнатиш ва уларнинг узоқ истиқболга мўлжалланган комплекс реконструкция қилиниши таъминлаш, шаҳар марказлари ва архитектура комплекслари қурилиши бош режаларида шаҳарларнинг транспорт магистраллари ва кўча-йўл тармоқларини комплекс ривожлантириш бўйича қабул қилинадиган лойиҳалар сифатини ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси талабларига, шаҳар қурилишининг тасдиқланган норма ва қоидаларига риоя этилиши учун масъулиятни кучайтириш мақсадида:

1. Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг истиқболли қурилишида кўплаб магистрал йўللар ва кўчаларда, ҳатто чорраҳаларда энг аввало узоқни ўйламасдан, вақтинчалик манфаатларни кўзлаб бешинам умумий овқатланиш нуқталари ва турли хил газакхоналар шаҳар қурилиши ва архитектура нормалари, коммуникация, транспорт ва санитария талаблари, истиқболли қурилиш режалари билан асло боғланмаган ҳолда қуриб ташланиши мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган амалиёт деб ҳисоблансин.

2. Белгилансинки, транспорт магистраллари ва тизимларининг чизмалари мақбуллаштирилган ҳолда шаҳарларнинг транспорт инфратузилмаси янги қурилиши, уни реконструкция қилиш ва янгилаш фақат шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режалари асосида ва Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

3. Қўйидагилар транспорт магистраллари ва тизимларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳачилар этиб тайинлансин:

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида, Тошкент вилоятида «ТошкентбашпланЛИТИ» лойиҳа институти;
вилоят марказлари ва шаҳар аҳоли пунктларида — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖ лойиҳа институти;
қишлоқ аҳоли пунктларида — «Ўзқишлоқлоиҳа» МЧЖ лойиҳа институти.

4. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси:

уч ой мuddатда «ТошкентбашпланЛИТИ» институти билан биргаликда Тошкент шаҳрининг транспорт инфратузилмасини мақбуллаштириш ва янгилаш бўйича лойиҳаларга тузатишлар киритсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин; бир ой мuddатда иловига мувофиқ республика шаҳарларида транспорт инфратузилмасини ишлаб чиқиш ва янгилаш жадвали бўйича тақлифлар тайёрласин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган жадвалга биноан иловани қўрсатилган шаҳарларда транспорт инфратузилмасини мақбуллаштириш ва янгилаш бўйича лойиҳаларга тузатишлар киритсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 26 апрель



«Elektron — hisoblagich» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан корхона электрон электр энергияси ҳисоблагичлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

СУРАТДА: корхона директори Ойбек Дўстмухамедов ва бош технолог Вячеслав Чебан иш жараёнини кузатишда.

Ҳақимжон Солихов
олган сурат.

Республикамиз Президентининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқи барча ҳамшаҳарларимизни тўлқинлантирди. Бу тахририятимизга келаятган мактублар ва қўнғирокларда ўз аксини топмоқда.

Муносабат

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

• Уткир НУСРАТОВ, хусусий тадбиркор:

— Кунчи кеча бўлиб ўтган Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида Президентимизнинг гапларини эшитар эканман, пойтахтимиз ютуқларидан қувонган ҳолда, камчиликлардан дилим хира тортиди.

Албатта, мана шу ўринли гаплардан керакли хулосалар чиқариш, бунинг учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш лозимлигини яна бир қарра ҳис этдим.

Жумладан, Тошкент мамлакатимиз иқтисодий куч-қудратининг шаклланиш ва тикланиш жараёнида доимо мустақкам пойдевор бўлиб келганлиги, иқтисодиётимизнинг жуда катта улуши айнан шаҳримизга тўғри келиши алоҳида таъкидланди. Албатта, иқтисодиёт раванқида бугунги кунда тадбиркорларнинг, кичик ва хусусий бизнес вакилларининг муҳим ўрнини назарда тутган ҳолда Президентимиз яқка тартибдаги тадбиркорлар билан ишлаш қоникарсиз аҳволда эканлиги алоҳида тўхталиб, бунинг сабабларини кўрсатиб ўтдилар. Ўртбошимиз тадбиркорлар йўлига суний гов ва тўсиқлар қўйилаётгани, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, ер майдонлиги ва объектларни қонуний асосда сотиш, жой ажратиш ва бошқа масалаларда пала-партишликларга йўл қўйилаётганини кўрсатиб, жуда кўпларнинг дилидаги гапларни айтдилар. Бундай эътибор, албатта, бизни қувонтиради ва эзгу ишларга ундайди.

Шу боис ҳам ҳар бир тадбиркор яратилаётган имкониятдан оқилона фойдаланиши, билим ва маҳоратини ишга солиб, гов ва тўсиқларни мардонавор енгиши, энг муҳими қалбда меҳнат иштиёқи сўнмаслиги лозим. Бир сўз билан айтганда, ташаббус кўрсатиш, эл-юрт ривожига, мустақилликни мустақамлашга ҳисса қўшмоқ бугунги кунда ҳар биримизнинг бурчимиз.

• Умида МУҲАМЕДЖОНОВА, «Аллон» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:

— Шаҳар Кенгаши сессиясида Президентимиз коммунал соҳа ҳақида тўхталар эканлар кўп қаватли уйлارни бошқариш масаласи кўпдан буён оғир муаммо бўлиб қолганини жуда тўғри баҳоладилар. Бу соҳадаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида гапирилар экан, кўп қаватли уйлارни бирлаштирган уй-жой мулкдорлари ширкатларини бошқариш соҳасидан узоқ бўлган тасодифий кишиларга топшириб қўйилганлиги алоҳида таъкидланди.

Бу жуда тўғри гап. Чиндан ҳам соҳадан хабари йўқ, вентил билан задыжканинг фарқига бормайдиган одам қандай ишлаши, уйлар ҳолатини яхшилашга, яшовчиларда мулкдорлари ҳиссини шакллантиришга ҳисса қўлиши мумкин?

Авалло шунини таъкидлаш ўринлики, мулкдорлар ишониб сайлаган раҳбар масъулиятни ҳис этиши лозим, яшовчиларнинг муаммоларини кўра билиши, бартафат этиш чора-тадбирларини оқилона топishi керак. Маърузадаги танқиддан ҳар биримиз керакли хулоса чиқариб, халқ ишончига сазовор бўлишимиз, ўзимизнинг амалий ишларимиз билан эътибор қозонишимиз керак. «Ўз уйимиз — ўз мулкимиз» деган шиорга амал қилишни яшовчилар онгига сингдириш самара беришини тажрибада исботлайлик.

XXI сағоси
аср
Барча маъблардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурисида Тошкент Ислон университетида Фанлар академияси Тарих институти билан ҳамкорликда академик Яхё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Ўзбекистонда диний конфессиялар: тарихий аънаналар ва бағрикенглик» мавзусидаги 35-йигилиши бўлиб ўтди.

• Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича Махсус ишчи гуруҳининг иккинчи йигилиши ўтказилди.

• Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» савдо-кўргазмалар марказида мактаб мебели, ўқув лаборатория анжомлари ва спорт жиҳозларининг кўргазмаси очилди.

• Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бухоро Давлат тиббиёт институти билан ҳамкорликда «Олий тиббиёт ўқув муассасаларида замонавий илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш» мавзусида илмий-амалий конференцияни ўтказди.

• Яқкабоғ шаҳар касалхонаси ва 2-поликлиника шифокорлари «Соғлиқ тилаймиз» номли мевали бог барпо этдилар. 2 гектарлик майдонга улар олма, ўрик, олхўри, нок ва бошқа мевали дархатларни ўтказди, бог атрофини асфальт билан қопладилар.

• Ғиждувон туманида «Формишкент» номли янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Жаҳонда

• Сурия БМТга ўз қўшинларини Ливан ҳудудидан олиб чиқи кетиш ишлари ниҳоясига етганлиги ҳақида расман маълум қилди.

• 2010 йилга қадар Американинг «Боинг» авиация компанияси Россия Федерацияси авиация санаотида 3 миллиард долларга яқин маблағни киритишнинг кўзда тутмоқда.

• Кеча Шри-Ланка мамлакатиде Коломбодан Канди шаҳрига кетаётган йўловчи поездининг автобуси билан тўқнашиб кетиши натижасида ўнлаб йўловчилар ҳаётдан кўз юмди.

• АҚШнинг ҳарбий тезкор гуруҳи «Ал-Қоида»нинг Ироқдаги бўлими раҳбари, иккинчи рақамли террорчи ҳисобланмиш Абу Мусаб аз-Заркавийнинг шахсий компьютерини кўлга киритди. Маълумотларга кўра компьютерда кўплаб ўта муҳим маълумотлар, суратлар, бир қанча телефон рақамлари мавжуд.

Бу ҳақда сессияда айтилди

Бироқ ишдан чарчаб келсангиз уйингизда иссиқ ёки совуқ сув бўлмаса, бунинг устига ёнгинарилик пайтида томдан чакка ўтса, ертўлани сув босган бўлса хунобинг исшмай бўлади? Бундай ҳол сурункали давом этверса, уй-жой мулкдорлари ширкатини коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан ҳафсалангиз пир бўлиши ҳам табиий. Оқибат натижада аҳолининг амалда кўрсатилмаётган хизматлар учун пул тўлаш талаб қилинаётганлигига ҳақли эътирозлар билдириши ҳам турган гап.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузаларида уй-жой коммунал хўжалигини ислох қилишга ниҳоятда жиддий эътибор қаратиш устувор вазифа эканлигини кўрсатган эдилар.

Ушбу масала пойтахтимизда кўпдан буён оғир муаммо бўлиб қолаётганлиги давлатимиз раҳбарининг яқинда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиядаги нутқида ҳам алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, пойтахтда 2002-2006 йилларга мўлжалланган дастурда таъмирланиши кўзда тутилган уйлarning салкам ярмига яқинида бу ишлар бошланмаганлигини қандай изоҳлаш керак?

Аслида бунинг сабаби маълум. Шаҳарда аҳолининг коммунал хизматлар учун қарздорлиги 1 миллиард сўмдан ошиб кетгач, уйлари, айниқса кўп қаватли биноларни таъмирлашга маблағ излаб топиш осон эмас. Янада ачинарлиси шундаки, уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли томонидан тўланаётган пулнинг кўпроқ қисmini кўрсатилган тегишли хизматлар, таъмирлашга эмас, ўзларининг маошлари учун ишлатиб юбормоқдалар. Бунга ўз вақтида ширкатлари ташкил этиш, улар раҳбарларини танлашда шошма-шошарликка йўл қўйилгани ҳам сабаб бўлди. Ахир битта ширкат таркибида 70 тагача кўп қаватли уй, яъни 3500-4000 хонадон бўлса, уларни бошқариб бўладими? Бунинг устига базис ширкатлар турар жойлардан фойдаланиш ва сақлаш ишидан умуман беҳабар, тасодифий кишилар қўлига топшириб қўйилди. Утган йилнинг ўзида шаҳарда уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти юзасидан 37 та жиноий иш кўзатирилганлиги ҳам соҳада юзага келган жиддий камчиликлардан далolat бериб турибди.

Президентимизнинг жорий йил боши-

даги "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Коммунал хизматлар тарифларининг асосий равишида ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ушбу соҳадаги камчиликларга барҳам бериш, уй-жойлар ҳамда коммунал тармоқлардан самарали фойдаланиш тизимини, пировард натижада аҳолига хизмат кўрсатишнинг таъсирчан механизмни яратишга қаратилган.

Ушбу қарорлар ижросини таъминлаш

УСТУВОР ВАЗИФА

Донишмандлардан биридан "Энг бахтиёр инсон ким?" деб сўраганларида у "Ҳақиқий бахтиёр кимсалар ишга шодон бориб, ишдан уйига хурсанд қайтадиганлар" деган экан. Тўғри-да, умримизнинг учдан икки қисми ўтадиган хонадонимизда иноқлик, меҳр-оқибат, яхши кайфият ҳукм сурсагина, биз ўзимизни яхши ҳис эта оламиз, бу ишимиз самардорлигига ҳам, сихат-саломатлигимизга ҳам бевосита таъсир этади.

юзасидан дастлабки қадамлар қўйилди. Пойтахтда уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюмисаи ташкил этилди. Мавжуд ширкатлар раҳбарларининг ярмидан кўпроғига мулкдорлар томонидан ишончсизлик билдирилиб, улар ўрнига коммунал хўжалиги сир-синаотларидан яхши хабардор, ташкилотчилик салоҳиятига эга малакали мутахассислар сайланди. Ширкатларнинг ўзлари ҳам иччамлаштирилди. Эндликда уларнинг ҳар бири тахминан 500-600 хонадонга хизмат кўрсатадиган бўлди.

Албатта, биргина ширкатлар таркибидаги уй-жойлар сонини камайтириш билан кўзланган мақсадни амалга ошириш қийин. Асосийи, аҳолининг ўзи бу ислохотлар, ўзгаришлар уларнинг турмуш шароитини яхшилаётганини, оғирини енгил қилаётганлигини амалда ҳис этиши, яъни сув, электр, газ таъминотида узилишга йўл қўйилмаётганлиги, ахлатлар вақтида ташиб кетилаётганлиги, лифтолр бeтўхот ишлаб турганлиги, бинолар таъмирланаётгани, улар атрофи обод бўлаётганлиги ишонч ҳосил қилиши керак.

Бу — осон, бир ҳафта ёки ойда ҳал қилинадиган иш эмас. Чунки, уй-жой коммунал хўжалигидаги муаммолар туғуни кўп йиллар давомида чигаллашиб кетганлиги яхши маълум.

"Қарс икки кўлдан чиқади", — деганла-

ридек ширкатларнинг маҳаллий ҳокимият идоралари, фуқаролар йиғинлари билан алоқасини мустаҳкамлаш, янада муҳими уй-жой мулкдорларининг эгаллик ҳиссини тўла англашига эришиш лозимдир.

Халқимизда уй-жойлик бўлгани — майли бу ўз иморати ёки кўп қаватли уйдаги хонадон бўлсин — "Ватанлик бўлди" дейишади. Бунинг маъноси катта. Ватанлик "Ватанини", яъни уй-жойини қадрлайди, кўз қорачигидек асрайди. Ана шу улуг хислатини ҳар бир уй-жой мулкдориде шакллантириш ҳам, фикримизча, ширкатларнинг устувор вазифаларидан энг муҳимидир.

Мулкдорлик туйғуси ҳамма нарсадан гоят тежаб-тергаб фойдаланиши ҳам тақозо этади. Шу маънода ҳозирги вақтда хонадонларда, айниқса кўп қаватли бинолар квартираларида сув, газ ўлчов асбобларини ўрнатиш жуда муҳимдир. Фақат шундагина амалда фойдаланилган хизматлар учун ҳақ тўланади.

Айни вақтда аҳоли Президентимиз Қарорлари асосида Вазирлар

Маҳкамаси ҳузурда ташкил этилган Тарифлар ва уй-жой коммунал хизматидеги иқтисодий ислохотлар дастури бажарилиши мониторингини олиб бориш республика комиссияси фаолиятига катта умид билдирмоқда. Коммунал хизмати кўрсатувчилар ҳозирча фаолиятлари моҳияти жиҳатидан табиий монополиячиларга айланган. Бу соҳада ҳали чинакамга соғлом рақобат вужудга келмаганлиги коммунал хизматлар нархларининг асосий равишида ошириш йўлида мустаҳкам говлар яратиши кун тартибига қўйган. Республика комиссиясининг бу йўналишдаги фаолиятида комиссияликни таъминлаш, яъни коммунал хизматлар учун асосий оширилган қайси нархлар пайсаятирилганлиги, айбдорларга қўрилган қоралар оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам маълум қилиб борилиши фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Шу билан бирга фойдаланилган коммунал хизматлар учун белгиланган муддатда ҳақ тўлаш ҳар бир истеъмолчи учун ҳам қарз, ҳам фарзлигини нафақат тушуниб этиш, бунга қатъий амал этиш вақти аллақачон келган. Дунёда текин нарса бўлмаган ва бўлмаслиги аниқ. Шунинг учун ойлаб, ҳатто йиллаб пулини тўламасдан коммунал хизматлардан фойдаланишни тасаввур этиб бўлмайди.

Дониёр ЭРКИНОВ

Иқтисодиёт

АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ҚИСМЛАР

Бозорни, харидор талабни ўрганиш тадбиркорлари янгилик яратишга, рақобатбардош ва замонага мос маҳсулотлар тайёрлашга ундамоқда.

Пойтахтимиздаги «Mavlon-Teknik» масъулият чекланган жамияти ўз фаолиятини электр-техник ускуналр ишлаб чиқаришдан бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб маҳаллийлаштириш дастури асосида республикамиздаги «ЎздЭУАвто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобильлар учун бутловчи қисмлар тайёрланмоқда.

— Корхонамизда тайёрланаётган бутловчи қисмлар буюртмачи талабига тўла жоаб беради, — дейди корхона раҳбари Шинара Абдиқаликова. — Уларни асосан маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқараямиз. Корхонамиздаги 15 нафар малакали ишчининг меҳнатлари самараси бўлган маҳсулотларимиз турларини янада кўпайтиришга эришамиз. «Ташаббус-2005» кўриктанловининг Юнусобод туман босқичида иштирок этган тадбиркорлар фахрилик иккинчи ўрин соҳиби бўлишди.

ДЕВОР

ПЛИТКАЛАРИ

Хусусий тадбиркор «Нусратов» фирмасида тайёрланаётган гипс плиткалар бинолар деворларини безатишда қўл келади.

Тадбиркор маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда икки хил ҳажмдаги ана шундай гипс плиткаларини турли рангларда буюртмачиларга тайёрлаб беради. Маҳсулотни ишлаб чиқаришда, албатта харидор дид ва талаби инobatта олиниб, гипс плиткаларга ранг бериллади. Ушбу ранглар бинго ва иншоотларнинг кўриниши, хизмат кўрсатишига қараб танланади. Келгусида эса гипсдан тайёрланадиган безак плиткаларнинг турларини кўпайтириш кўзда тутилган.

КУЛОЛЧИЛИК УСТАСИ

Турли нақшлар билан безатилган кулолчилик маҳсулотлари нафақат хамюртларимизда, балки хоржий меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Бу борада эса халқ амалии санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиш йўлида изланаётган кулолчилик усталарининг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Ушбу санъатга аждолад тажрибасини ўрганиш асосида меҳр қўйган Алишер Раҳимов ҳам ижод намуналаридеги ўзига хос усул ва нақшлари билан кулолчиликни ривожлантиришда улуг қўшмоқда.

Кулолчилик Сурхондарё, Тошкент устубларидан фойдаланаётган Алишер Раҳимов ўз олдига қадимги Кушон давлати кулолчилик санъатини давом эттириш ва янада ривожлантириши мақсад қилиб қўйган. Шунинг баробарида у шогирдлар тайёрлаб, кулолчилик мактабини очиниши ният қилган. Бобоси Мухиддин Раҳимовнинг ишларини давом эттириш ниятида унинг ўй-музейини сара кулолчилик буюмлари билан жиҳозлашга ҳаракат қилмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

ПОЙТАХТНИНГ Дир КУНИ Янгиликлар, воқеалар

Кўшиқ
● **БУГУН** Тошкент автомобиль йўллари институти қошидаги академик лицейда ўтказилаётган "Очқ ашклар куни" тадбирида шахримиз мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди.
● **ЎТГАН** куни Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида Россия, Германия, Қозғистон ҳамда Ўзбекистон олимлари иштирокида ташкил этилган халқаро анжуман "Математик физика ва ахборот технологияларининг замонавий муаммолари" деб номланди. Тадбир давомида олий ўқув юрталарида яратилган янги дастурий ишланмалар, электрон адабиётлар кўргазмаси намойиш этилди.
● **ШАХРИМИЗДАГИ** Кино музейида Туркиянинг Ўзбекистондаги элчи-хонасининг Маданият ва туризм ишлари бўлими ҳамда Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар жамияти хамкорликларида 25 апрелдан ташкил этилган Туркия кинофильмлари фестивали давом этмоқда. Ушбу тадбир 1 майда ниҳоясига етади.
● **БУГУН** Тошкент ирригация ва мелiorация институти қошидаги академик лицейда икки палатали парламентнинг жамиятимиз тараққиётидаги ўрнига бағишлаб ўтказилган тадбирда талабалар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари иштирок этишди.
● **БУГУН** "Жар" спорт соғломлаштириш мажмуасида Никоҳ ва оила маросимлари маркази қошидаги "Ёш оила қурувчилар" мактабининг навбатдаги машғулотли бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ДЕМОГРАФИЯ ВА ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Бозор муносабатлари шароитида демографик жараёнларни ҳисобга олиш иқтисодий сиёсатнинг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида бўлиб ўтган "Ўзбекистон демографик ривожланишининг долзарб муаммолари" республика илмий семинарида шу ҳақда сўз юритилди. Мазкур тадбир Фанлар академияси, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш республика маркази, қатор олий ўқув юрталари томонидан ташкил этилди. Семинарда демограф олимлар, социологлар, иқтисодчилар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

"Ижтимоий фикр" маркази директори Р.Убайдуллаева ва ФА иқтисодиёт институти директори А.Қодиров самарали бозор иқтисодиётини шакллантириш мамлакатдаги демографик вазиятни чуқурроқ ўрганиши талаб этишини таъкидлади. Бу Президент Ислам Каримовнинг 2005 йил 28 январда Олий Мажлиснинг иккала палатаси қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган берилган жамиятимизни янада ривожлантириш вазифаларини бажаришда айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демографик жараёнларда ижобий ўзгаришлар рўй берди. деб қайд этилди семинарда. Бунга аҳолининг фаровонлигини ошириш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизимларини яхшилашга қаратилган қатор давлат дастурларининг амалга оширилиши имкон берди. Мамлакатимизда ўлим, шу жумладан оналар ва гўдақлар ўлими кўрсаткичлари пасаймоқда. Биринчи фарзанд кўраётган аёлларнинг ўртача ёши ортди, бу эса уларнинг меҳнатга лаёқати тикланиши ва болаларнинг тўлақонли ривожланишига ёрдам бермоқда, акра-

лишлар сони камаймоқда, никоҳ ришталари мустаҳкамланмоқда. Натижада бугун олимлар «демографик ойна» деб атайдиган вазият юзага келди. Яъни, муайян вақт мобайнида меҳнатга лаёқатсиз аҳоли сони камаймоқда. Бу мамлакатимиз олдида иқтисодий ўсиш, инсон ресурсларидан имкон қадар тўлиқ фойдаланиш борасида кенг имкониятлар очмоқда. Шу боис аҳоли кўпайиши соҳасидаги тадқиқотлар жуда долзарб ҳисобланади. Маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш давомида олинган ахборот нафақат статистика, балки бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари учун ҳам зарур. Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш республика маркази директори Ф.Мамарасулов мамлакатимиз олимларининг бу соҳада кейинги йилларда олиб бораётган ишлари ҳақида семинар қатнашчиларига гапириб берди.

Мухоама яқунларига кўра семинарда демографик жараёнларни ўрганиш ва таҳмин қилиш услубиятини такомиллаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎЗА

Мендошларимиз

КОМИЛЛИК САРИ ИНТИЛИБ...

Ўзбекининг гўзал кизлари кўп. Чинакам шарқона фазилатлар: ибод, ҳаё, андиша уларда мужассам. "Ойнаи жаҳон" орқали бериб бориладиган "Кизлар давраси" кўрсатуви орқали бунинг гувоҳига айланамиз. Ундаги ҳар бир ўзбек кизи ўзларининг ҳар тарафлама етуқлигини намоён этишга ҳаракат қиладилар. Камолот сари интилади...



Камола Эрматова 1986 йил 24 мартда Тошкент шаҳрида, зиёлилар оила-сида таваллуд топган. 2001 йилда Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда таҳсил олди. Ҳозирда эса Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 1-босқич талабасидир. Камола 2004 йилда "Зулфия" номидаги Давлат мукофотига маданият йўналиши бўйича сазовор бўлган.

— Инсоннинг исми жисмига монад бўлади. Исмнинг Камола. Комил инсон бўлишни сиз қандай тушуна-сиз?

— Камола исми арабча — етук, баркамол, зебо, кўркам киз деган маънони англатар экан. Инсон дунёга келиб унга азон айтилиши билан у ўзлигини, жажжи юраги уриб туришини ҳис қилади. Ҳаётини англаган ҳар бир инсон ҳаёти давомида эзгулик, комиллик томон инти-либ яшайди. Ер юзиде бутунлай камчиликлардан ҳоли, тўқис инсонни топиш қийин. Аммо, ка-молот зинаояларидан бирма-бир кўтарилиб бориш, ўз би-лим, салоҳият, идрок ва тажри-басини анда орттиришга ҳара-кат қилиш ҳар бир инсоннинг ҳаётидаги энг олий мақсадлар-дан бири бўлиши керак. Зеро, Миллий истиқлол ғоясининг беш тамойилларидан бири ҳам комил инсон тарбияси ҳисобла-нади. Шояр айтгандек:

Ўзбекликнинг ўзи маъноси тоза иймон, Тоза иймон қалбингдаги комил инсон.

Комил инсон дилингдаги қонун, виждон, Қонун, виждон ҳар инсонга муқаддас шон.

— Ҳар қандай гул парвар-ришга боғлиқ бўлади. Агар оилангиз бир боғ десак, унинг боғбонлари қандай одамлар?

— Тўғри айтасиз. Қар бир инсоннинг камол топиши, бирор касб эгаси бўлишида оилавий муҳитнинг аҳамияти жуда катта деб ўйлайман. Ниҳолки инсон-га қиёсласак, атрофидаги тир-каклар унинг устози ва ота-она-сидир. Ҳеч бир ниҳол ўзи тўғри ўсиб кета олмайд. Уни вақти-да парвартириш, тўғрилиб ту-руви боғбонлар бўлиши керак. Агар боғбонлар эътиборли бўлсалар бу ниҳол дарахт бўлиб, ўз мевасини беради. Кичик ва сўлимгина боғимиз-нинг боғбонлари чинакам пок қалби, самимий ва ўз вақтида талабчан инсонлардир.

— Инсон юксак орзуларни кўзлаб яшайди. Ҳозиргидек даврга эга бўлишни орзу қилганимиз? Ёки бу бахтли омадми?

— Саволингиз ўринли. Инсон доимий интилиш ва ҳаракатда бўлиш самараси ўлароқ ўз ор-зулари, мақсад ва истакларига

эришиб боради. Албатта унинг ҳаётда омади ҳам катта аҳами-ятга эга. Телевидение кўрсатув-ларида бошловчилик болали-гимдан энг катта орзуим эди. Лекин хоҳишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун интилиш қилмайди. Бунинг учун интилиш қилмайди. Бунинг учун интилиш қилмайди. Бунинг учун интилиш қилмайди.

— Узингиз ҳуқуқшунослик-ни эгаллашга қарор қилган эдингиз, нега журналистика-ни танладингиз?

— Биламизки, журналист ҳамиша халқ орасида, унинг қувончу ташвишларига шерик, янгиликка интилувчан, доимо ҳаракатда бўлган беҳаловат ин-сондир. Лекин, инсон тугилиши билан у қонуний расмийлашти-рилади. Демак, ҳаётнинг бош-ланиши қонун билан ва у ҳами-ша устувордир. Жумладан, жур-налистлар ҳам. Ҳуқуқ ва эркин-ликлар, мажбуриятлар ва дав-лат қонунларини ўрганиш учун илм донишманди Тошкент Дав-лат юридик институти қошида-ги академик лицейда таҳсил ол-ди. Албатта, бу ҳуқуқ бораси-даги билимларни тўлиқ шакл-лантиришда етарли эмас. Шу сабаб ҳам ҳозирда Мирзо Улуғ-бек номидаги Ўзбекистон Мил-лий университетида таълим ола-яман ва бу ерда ҳам икки касбнинг уйғунлигини ташкил этувчи ОАВ қонунчилиги ва яна бир қанча фанлар бўйича устоз-ларимдан илм сирларини ўрга-нишга ҳаракат қиляман.

— Узингиз қандай хунар-ларни эгаллагансиз? Бичиш-тикиш дегандек...

— Ҳозирги кунда нафақат йигит кишига, балки, киз бо-лага ҳам 40 хунар оз. Чунки у етук касб эгаси, хонадон бе-каси ва бўлажак она. Мехри-бон бувижону онажонлари-миз эса биз кизларни ҳами-ша касб-хунар эгаси бўли-шимиз, кизларга хос бичиш-тикиш сирларидан воқиф бўлишимизга алоҳида аҳа-мият қаратишган. Онажо-ним сабоқлари тўғрисида тур-ли хил ширинликлар тайёр-лашни ўрганиш баробарида 14 ёшмида "Бегойим — сер-вис" ўқув марказида таҳсил олдим. Қолаверса, "Кизлар давраси" кўрсатувининг ўзи кизлар учун керакли бўлади-ган барча хунарларни эгал-лашда асосий замин бўла олади.

— Адабий тилда ра-вон сўзлаш, сўз бойлиги, нутқ

эришиб боради. Албатта унинг ҳаётда омади ҳам катта аҳами-ятга эга. Телевидение кўрсатув-ларида бошловчилик болали-гимдан энг катта орзуим эди. Лекин хоҳишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун интилиш қилмайди. Бунинг учун интилиш қилмайди. Бунинг учун интилиш қилмайди.

— Дарҳақиқат, нотиқлик — бу санъат. Шундай экан, адабий тилда ра-вон сўзлаш, ўз тил — услубни шакллантириб, сайқал-лаштириб бориш, ҳар бир бош-ловчининг ўз устида тинимсиз изланиши, интилишлари уни юқори чўққиларга олиб чиқади десак, муволажа бўлмайди.

— Нокамтароқ бўлса ҳам савол. "Ойнаи жаҳон"га қан-дай келиб қолгансиз?

— 2001 йил ёз ойларининг бирида "XXI аср маликалари" танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтган ва туман босқичи-да голиб деб топилган кизлар иштирок этган эдик. Танловда иккинчи ўринни эгалладим. Тан-лов сўнггида иштирокчилардан етти кизни танлаб "Кизлар дав-раси" кўрсатувига қорладилар. Кўрсатувда барча кизлар ишти-руч йил давомида Тошкент Дав-лат при совриндори Камола Эрматова деб эълон қилишди. Шундан сўнг менга кўрсатувда бошловчилик қилишни таклиф этдилар.

— Ҳаётни сўқмоқ дейди-лар, катта муваффақиятлар сизни эсанкритиб қўймай-дими?

— Йўқ! Ҳаёт — бу синов май-дониди. Бу ерда барча инсонлар тенг. Кимдир ўз имкониятлари-дан унумли фойдалана олади. Ҳаёт сўқмоқларидан тўғри йўлни топа олади. Кимдир эса ақминча. Нима бўлганда ҳам ҳеч қачон инсон катта муваффақия-тга эришмасин, мағлубиятга учрамасин, у ҳамиша ўзлигини — муқаррам эканлигини у нут-маслиги керак, деб ўйлайман.

— Тилақларингиз...

— XIV асрнинг йирик намо-яндаларидан бири Сўфи Олло-ҳнинг шундай бир фикрлари бор: "Муҳаббат — ҳар қандай эзгуликнинг элчиси, муҳаббат-сизлик эса ҳар қандай ёвузлик-нинг доясидир". Дарҳақиқат, қалбларимизда жўш ури-тур-ган она-Ватанга, инсонларга бўлган меҳр-муҳаббат ҳеч қачон сўнмаслигини истардим. Чунки инсон эотининг муқаддаслиги унинг бир-бирига бўлган инти-қилгандир.

— Дарҳақиқат, эзгу мақсадли кишилар ҳамиша комиллик сари интиладилар. Орзулари унга қанотдир.

— Сафар ЁҚУБОВ сўхбатлашди.

«Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати бугунги кунда Ўзбекистон-даги йирик жамоат ташкилоти си-фатида шаклланиб, ўз атрофида миллионлаб ёшларни бирлаштира олди. Республикаимизнинг барча ўқув муассасаларида, қорхона, та-шкилот ва меҳнат жамоаларида ҳа-ракатнинг негизи ҳисобланган бош-ланғич ташкилотлар фаолият юри-моқда. Шу жумладан Тошкент дав-лат юридик институтида ҳам «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ўз фаолиятини муваффақиятли олиб бормоқда. Буларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

— талабаларнинг ўқишда, меҳнат-да, жамоат ишларида ҳар томонла-ма фаолликларини ошириш;

— институтда талабалар учун яра-тилган шароитлардан юқори дара-жада фойдаланишни ташкил этиш;

— намунали хулқи, аълочи тала-баларни моддий-маънавий рағбат-лантириш;

— барча ўқув юрти талабаларини институтга илмий-амалий саёҳатла-рини мунтазам олиб бориш ва ҳоқа-зо.

Бошланғич ташкилотларда

ДОИМ ЁШЛАР БИЛАН

Ёшлар мамлакатнинг улғайиб келаётган умиди. Ёшлик парвозга шайланаётган шижоат. Шу боис Рес-публикамиз мустақилликка эришгандан сўнг маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган исло-хотлар самараси ўлароқ XXI асрнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз ёшлари ижтимоий жиҳатдан фаоллашди. Ёшлар ўртасида уларнинг номидан ва хоҳиш-иродаси асосида иш юритиб, ёшлар манфа-атини ҳар томонлама ҳимоя қиладиган, уларни соғлом турмуш талаблари асосида ҳаракатга келтира-диган ташкил сафлари бирлашиш ташаббуси юзага келди. 2001 йил 25 апрелда ўзининг таъсис қурултойи қарори билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топди.

Бўлажак ҳуқуқшунослар ҳозирда-ноқ ёшликка хос соф ва жўшқин ин-телишлар асосида расмиётчилик ва бюрократиядан холи тарзда ўз фа-олиятини вужудга келтира олса, ал-батта мамлакатнинг миллий маъна-вияти юксалади, дунёвий тараққи-ёт сари қўйилган ҳар бир қадам омадли бўлади.

Бугунги кунда институтда иш олиб бораётган "Камолот" ЁИХнинг бошланғич ташкилотида бешта соҳа бўйича ишчи гуруҳи мунтазам фа-олият кўрсатмоқда.

Булари:

- 1. Сиёсий-ҳуқуқий соҳа: Бу соҳанинг мақсади — мамлакатимизда-

ги сиёсий ўзгаришларни талабалар онгига сингдириб бориш ва уларда давлатнинг ривожланишига хизмат қиладиган ғояларни шакллантириш;

2. Маънавий-маърифий соҳа: Келажакда буюк давлат яратиш, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш учун йўналтирилган мақсад ва ҳаракатларимиз айна пайтда маънавийимиз, дунёқарашимиз, ақл-заковатимизга боғлиқлигини англаган ҳолда ушбу йўналишда мунтазам фаолият олиб бориш;

3. Ижтимоий-иқтисодий соҳа: Асосан институт талабалари ораси-да ички мониторинг ишларини олиб боради, яъни уларнинг ижтимоий-

иқтисодий аҳолини ҳар томонлама ўрганиб керакли ёрдамларни бе-риш;

4. Спорт ва жисмоний тарбия соҳаси: энг фаол соҳа бўлиб, ҳар йили футбол бўйича «Ректор кубо-ги», стол тенниси, кураш мусобақа-ларининг ташкилотчисиدير.

5. Халқаро фаолият соҳаси: — Бошқа олий ўқув юртлири билан до-имий ҳамкорлик ишларини олиб бо-ради.

Ҳар бир соҳада олти кишидан иборат комплекс ишчи гуруҳи тузил-ган. Улар доимий равишда ўзлари-нинг ойлик иш режалари асосида тегишли вазибаларни бажаради-

лар. Талабаларнинг куч-гайратини, интеллектуал салоҳиятини, касб ма-лакасини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфа-атларини ҳимоя қилиш белгиланган. Давлатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш жараён-лари билан талаба ёшларнинг сиё-сий-ҳуқуқий қарашларини ҳамоҳанг тарзда олиб бориш, уларни ҳақиқий ватанпарвар шахс қилиб тарбия-лашда қилинаётган ишлар доим са-марали бўлмоқда.

Талабалар орасида соғлом тур-муш тарзини шакллантириш, жино-ятчилик, диний экстремизм, гиёван-длик, локайдлик каби турли иллат-ларга қарши курашда мустаҳкам таъсирчан кучга эришиш бош мақ-сад қилиб белгилаб қўйилган.

Президентимиз Ислам Каримов «Камолот ёшларнинг чинакам суян-чи ва таянчи бўлсин» деб тилак бил-дириганлар. Бу тилак биз талаба-ёшлар учун ҳар вақт ва ҳар қачон ру-хий мадад бўлади.

Адхам ОДИНАЕВ, Тошкент Давлат юридик институти талабаси

Ўғрашувлар

КИЗИҚАРЛИ МУНОЗАРАЛАР БИЛАН ЎТДИ

Ҳозирги кунда ра-дио журналистикаси-нинг имкониятлари кенгайиб, кўп тармоқ-ли соҳалар билан боғлиқлик касб эт-моқда. Йўналиши турли мавзуларни қамраб олган FM тўлқинлари сони ҳам кўпаймоқда. Улар-нинг ижоди ва иш фа-олиятига боғлиқ жа-раёнлар ҳақидаги ра-дио ижодкорларнинг тингловчилар билан учрашувларини таш-кил этиш аънаънага айланмоқда.

Яқинда шундай учра-шувлардан бири "Бу-нёдкор" ёшлар телеклу-биде бўлиб ўтди. Тад-бир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати-нинг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилиб, "Нодав-лат FM радиоларида нутқ маданияти" деб номланди. Тадбирда хусусий нодавлат "Наврўз", "Сезам" ҳамда "Пойтахт" радио-ларидан радио эшити-ришлар бошловчилари, ижодий ходимлар иш-тирок этди.

Давра суҳбатиде Ўзбекистон Давлат жа-хон тиллари универси-те-ти талабалари, кўплаб журналистлар иштирок этиб, нодав-лат радиолардаги бош-ловчиларнинг сависии ва нутқ маданияти бо-расида кўплаб танқи-рий фикр-мулоҳазалар билдирилди, қизиқар-ли маълумотлар келти-рилди. Шунингдек, тад-бирда нодавлат радио-ларига бошловчи ва журналистларни танлаб олиш тизими, радио ходимларининг маълум-оти, билим даражаси ва муомала маданияти эътиборга олиниши, радиобошловчиларга берилаётган эркинлик ва уларнинг тингловчи-лар олдидеги масъули-яти, эшиттиришлар учун куй-қўшиқларнинг танлишини ҳамда бо-шқа масалалар муҳо-ма қилинди.

FM тўлқинларида ра-диоларнинг сони тобо-ра ортиб бораётган бир даврда ўз услуби билан тингловчилар эътибор-ини қозонаётган но-давлат радиоларнинг келажаги порлоқ бўла-ди деб умид қиламиз. Зеро, ҳар бир тараққи-ёт даражасига эриша-ётган давлатларнинг радио журналистика соҳасидаги ютуқлари ҳам бошловчилар ва ишчи ходимларнинг маҳоратига боғлиқдир. Юлдуз РИЗАЕВА

Махсий фикр

ТАҚИНЧОҚЛАР ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИМИ?

Дунёда турли хил заргарлик буюмларига қизиқмайди-ган аёлнинг ўзи бўлмаса керак. Аёллар борки, улар ал-батта, тақинчоқлар тақиб, безаниб юришни ёқтирадилар.

Лекин улар қандай тақинчоқлар тақиб юриш, айниқса, ёш кизлар ҳамма нарсада меъёр бўлиши керак-лигини унутмасликлари лозим. Ми-сол қилиб баъзи кизларни олайлик. Уларнинг тақинчоқларидан турмуш-га чиққан ёки чиқмаганлигини билиб олишимиз мумкин. Сиз ҳозир келин-ларнинг турмушга чиққанлигини никоҳ узугидан билиб олиш қийин эмас, деб сўзларимизга ҳайрон қола-ётгандирсиз. Мен асло никоҳ узуги-ни назарда тутганим йўқ, айтмоқчи эдимки, айрим келинлар ярашса ярашмаса, кўйлаққа мос тушса туш-маса кўйла-қўша тақинчоқларни, ило-жи бўлса ҳар бир бармоққа икки-дан ёки кўлига учтадан қилиб та-қиб олишмоқда. Менимча, бу улар истаганчалик чиройли кўринмаса ке-рак.

Барча тақинчоқларнинг кўрини-ши, уларни ёш кизлар, ўрта ёки кат-та ёшдаги аёллар тақиб юришидан қатъи назар, тақиладиган шароит-га, вақтга, мавсумга мос бўлиши лозим. Иш ёки ўқуш жойларида катта зирак, серҳашам тақинчоқлар тақиб-бажнаналикдир. Масалан, ўқуш пай-тида дарсда ўтирган қиз қўлидаги

қимматбаҳо тошлардан ишланган узук галати кўринади. Бундай ҳол-ларда турмушга чиққан аёллар никоҳ узуги, оддий билангучу билан, тур-муш кўрмаган кизлар эса оддий ёки нозик дид билан бир донга узук би-лан чекланганлари маъқул. Қадимги даврлардан бошлаб ран-гли ва қимматбаҳо тошлар кўпгина халқнинг бадий ижодида алоҳида ўрин эгаллаган. Шарқ халқларида, айниқса, ислом динига эътиқод қилувчи халқлар орасида тошлар ҳақида турли тушунчалар юрган. Уларнинг тасавурида, энг ижобий хусусиятга эга бўлган тошлар сердо-лик, феруза, маржонлардир. Ҳатто-ким сердолик тошдан ишланган узук тақиб юрса, у доим тинч ва хурсанд бўлиб юради" деган ривоят мавжуд эди. Феруза тошида ҳам шундай хусу-сият бор деб ҳисобланган.

Шундан келиб чиқиб айтмоқчи-микки, азал-азалдан аёлларимиз та-қинчоқлар тақиб янада гўзал бўлиб юришган, айна вақтда ҳамма нар-санинг меъёри борлигини унутиш-маган. Биз ҳам шунга амал қилсак айни кўнглидаги иш бўларди.

Феруза УМРЗОҚОВА

билан келиб, уни рўёбга чиқа-риш мумкин. Ушбу ёшлар маскани ўз фа-олиятини бошлаганига энди уч йилдан ошган бўлса-да, бугунги кунда юзлаб интилувчан ёшлар-нинг ўз байроғи остида бирлаш-тириб, уларнинг сиёсий онгини яна-да ўстириш, фикрлаш доираси-ни кенгайтириш, ташкилотчилик маҳоратини ошириш, қобилият-ларини рўёбга чиқаришга кўмак беришдан иборатдир. Ёшлар телеклубида турли гуруҳ-ларга бирлашган ҳолда ёки мус-тақил ўз фаолиятларини амалга оширадиган ва мана шу фаоли-ятлари билан ижтимоий ҳаракати-нинг рўёбга чиқаришга кўмак беришдан иборатдир. Ёшлар телеклубида турли гуруҳ-ларга бирлашган ҳолда ёки мус-тақил ўз фаолиятларини амалга оширадиган ва мана шу фаоли-ятлари билан ижтимоий ҳаракати-нинг рўёбга чиқаришга кўмак беришдан иборатдир. Ёшлар телеклубида турли гуруҳ-ларга бирлашган ҳолда ёки мус-тақил ўз фаолиятларини амалга оширадиган ва мана шу фаоли-ятлари билан ижтимоий ҳаракати-нинг рўёбга чиқаришга кўмак беришдан иборатдир.

Мақбурлар

ЁМОН ИЛЛАТЛАР ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИМИЗ

Бугунги кун ёшларининг илм олишлари, соғлом ва тетик бўлиб воёга етишлари йўлида давлатимиз ва шахсан Юр-тобшимиз томонидан катта ғамхўрлик ва эътибор кўрса-тилмоқда. Кундан кунга чирой оцаётган диёримизда қури-лаётган олий ўқув юртлири, коллеж ва лицей, спорт маж-муалари фикримизнинг ёркин далилидир.

касб-хунар коллежлари, ўрта таълим мактаблари ва маҳал-ла-ларда мунтазам ўтказиб келмоқдамиз, — дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман бўлими раисси Феруз Каримов. — Мақсадимиз эртамизнинг нурли кунлари учун хизмат қиладиган ёшлар жисмонан соғлом, маънавийлик ақл-ид-ла-роки банд бўлиб воёга е-ти-синлар. Яқинда «Алгоритм» ва «2-Чарх Камолон» маҳалла-ларида «Ёшлар орасида ди-ний ақидопарастлик ҳамда ОИТСга қарши кураш» мавзу-ида илмий-амалий анжуман

«Бунёдкор» телеклуби фаолиятдан

БЎЛҒУСИ ЖУРНАЛИСТЛАР АМАЛИЁТИНИ ЎТАМОҚДА

Куни кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ёш журналист кад-рларни тайёрлаш ва журналист талабалар амалиётини ташкил этиш борасида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирга Ўзбекистон телера-диокомпаниясига қарашли му-ҳаррирлар раҳбарлари, Ўзе-бекистон Миллий университети журналистика факультети декан ва ўқитувчилари, талабалар ва тележурналистлар таклиф этил-ди. Давра суҳбатиде меҳмонлар эътиборига телеклуб томонидан ишлаб чиқилган журналист тала-балар учун мўлжалланган теле-журналистика амалиётини таш-кил этиш лойиҳаси тақдим этил-ди. Лойиҳани амалга ошириш мақсадида телевидение муҳар-рирляри ва журналистика фа-культетлари ҳамкорлик қилишга таклиф этилди.

Маълумки, телеклуб қошида «Эркин фикр» нодавлат телесту-дияси очилган бўлиб, тележурна-листик материаллар тайёрлаш учун зарур жиҳозлар билан та-ъминланган. Журналист талабалар «Бунёдкор»да амалиёт ўташ вак-

моқдалар. Шу билан телеклуб журналистика соҳасида чекланиб қолмасдан, ўз фаолиятини жур-налист талабалар учун тележур-налистика амалиётини ташкил қилиш билан кенгайтирмоқда.

ИМКОНИЯТ ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА

«Бунёдкор» ёшлар телеклуби эркин фикри, илғор ва фидойий ёшларни ихтиёрий равишда бирлаштирувчи нодавлат ноти-жорат ташкилотдир.

Телеклубнинг таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати-нинг рўёбга чиқаришга кўмак беришдан иборатдир. Ёшлар телеклубида турли гуруҳ-ларга бирлашган ҳолда ёки мус-тақил ўз фаолиятларини амалга оширадиган ва мана шу фаоли-ятлари билан ижтимоий ҳаракати-нинг рўёбга чиқаришга кўмак беришдан иборатдир.

«Ёшлар» телеканали

Ошлар давраида сўхбатлар

ҲИҚМАТДА СЎЗЛАР

- Санъат асарини, худди уни ўзимиз яратганимиздек севган тақдиримиздагина, тўла тушуна олишимиз мумкин.
- Ҳақиқат қайгули бўлиши мумкин, донолик — эмас.
- Кувноқлик — жиддийликнинг инсондаги инъикосидир.
- Кувноқлик моҳиятан ижтимоий мазмунга эга. Ёлғиз кулаётган одам аҳмоқдир.
- Кулги тез таъсир қилсагина, санъат ҳисобланади.
- Кимдаки юмор туйғуси бўлмаса, ҳазилга мойил бўлади, холос.
- Инсоннинг кувноқлиги унинг аччиқлиниши ҳам мумкинлигидан далolat беради.
- Ҳаётини санъатнинг энг муҳим қайдаси шуки, бунда меъёрга эътибор бериб, ундан ошмаслиқина эмас, балки уни тўлиғича адо этиш ҳам лозим бўлади.
- Бахт — истак, имкон ва меъёرنинг мўтадиллигидир.
- Оққўнғил эзмадан камгап алдоқчи афзал.
- Тилёғламалилик (хушомад) — тиз қўккан тажовузидир.
- Миннат қилинган камтарлик — манманликдир.
- Анков кингир йўлда тўғри юрса, ғаламис тўғри йўлдан кингир юради.
- Қулаётган ишинг сенга фақат жиддийлик эмас, балки кувонч ҳам келтирсин.
- Агар иш сенга хузур бағишлагудек бўлса, шу хузур-бахшилик самарага айланиши мумкин.
- Қадимда марҳумни дафн этаётиб, қабрига егулик ҳам қўйишаркан: бугунга келиб эса, марҳумни эсга олиш билан кифояланганми.
- Умр бўйи елиб-югураемиз, ҳаётимизнинг сўнгги соатларини эса пиёда юриб ўтказишга ҳам рози бўламиз.

Мирзали АКБАРОВ тайёрлаган

Ҳаёт сабоқлари

ЯХШИЛАР БОР ДУНЁДА

Дунёда яхшилик деган шундай бир инсоний фазилат борки, ундан баҳраманд бўлган кишиларга олам янада мунаввар бўлиб кўринади. Яхши одамларнинг яхши гаплари, кўрсатган ҳимматлари, меҳр-оқибатлари ҳеч қачон унутилмайди.

Шу боис ота-боболаримиз қадимдан «Яхшига ёндош, ёмондан қоч», «Яхшига ҳавас қил, яхшига эргаш» деб бежиз айтишмаган. Яхшиликнинг, эзгуликнинг кечи йўқ. Сен бировга яхшилик қилсанг, сенга бошқалардан қайтади, албатта. Яқинда ўғлим билан узокда истикомат қиладиган бир қариндошимизни кўриб кеч қоронғуга қолиб кетдик. Бекатда автобусни узок кутдик. Лекин ундан дарак йўқ эди. Шу вақт олдимишга «Нексиа» автомашинаси келиб тўхтади.

— Қайси томонга борасизлар? — сўради хайдовчи йигит. Биз манзилимизни айтдик. — Чўқинлар, йўлим шу томонга экан, олиб бориб қўяман, — деди мулоиймлик билан йигитча.

Ўғлим билан машинага чиқарканман, йўл узок хойнаҳой қира ҳақини фалон сўм деб айтса керак, деб ўйладим. Хайдовчи йигит хушмуомала, очкичана экан, гаплашиб бир зумда манзилимизга етказиб қўйди. Машинадан тушаётиб унга пул узатдим.

— Ия, нима қиласиз, мен сизга қирақаш хайдовчи эмасман. Қоронғуга қолиб кетиб-сизлар, кўриб, йўлим бўлса олиб кета қолай дедим. Кеч қоронғуда йўлда юрганда бекатда сизларга ўхшаган болали аёллар, кексаларни кўрсам дарҳол тўхтаиб олиб кетаман. Қирақашлик қилмайман. Ҳаётда яхшилик қилиб яшаш керак ахир.

Шу кунга уйга қайтишимиз кўтарилиб келдик. Олимаиздаларга орамизда мана шундай олиийимматли, яхши одамлар борлигини хурсанд бўлиб гапириб бердик. Орадан кунлар ўтиб яна шунга ўхшаш воқеа юз берди. Ишончада эдим. Бирдан ўғлимнинг тоби қочиб қолгани тўғрисида хабар эшитдим ва ҳавотирланиб уйга шошилдим. Қўчага чиқиб машина тўхтади. Бир «Жигули» автомашинаси келиб тўхтади. Урта ёшлар-

даги хайдовчи қаерга борасиз, деб сўради. Мен манзилини айтишим билан:

— Бир ярим минг сўм бўлади, — деди йўл ҳақини дангал айтиб. Хайрон бўлиб қолдим. Ахир уйимгача йўл ҳақи 800 сўм бўлар эди. Бу киши бўлса икки баравар кўп сўрапти.

— Биласизми, жуда шошиб турганим, ўғлим бетоб бўлиб қолибди, тезроқ уйга боришим керак, аксига олиб ёнимда ортиқча пул олманган эканман, — дедим хайдовчига илтимос қилиб.

— Бўладигани шу, ундан ками бўлмайди, — деди хайдовчи тўғ овозда. Машинага ўтирдиму, хайдовчининг ҳақри қаттиқлигидан, кўпол муомаласидан ҳафа бўлиб, кўнглим хижили бўлиб кетдим. Шундай яшашлик борки, сенинг ғам-ташвишиг билан иши йўқ, уларнинг мақсади фақат кўп пул топиш. Одамийлик, саҳийлик, олиийимматлилик сингари инсоний фазилатлар улар учун бегона.

Ҳа, яхшилик қилиш, хайр-саховат кўрсатиш ҳар кимнинг ҳам кўлидан калавермайди. Юқрида келтирганим очик кўнгли, меҳр-шафқатли йигитчанинг чин кўнглидан қилган яхшилиги ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ким биланди у ҳар кун бизга ўхшаган яна қанча одамларнинг ҳолатини чиқариб, кўнглиларига бир олам яхшилик уруғини сочиб, дилларини мунаввар этиб дуларини олиб юрган экан. Яхшиликни ўзига шior деб билган яхши инсонлар жуда кўп. Бундай одамлар гўё дунёга яхшилик, меҳр қўеишни сочиб яшайдилар. Илоҳим орамизда яхши инсонлар доимо бор бўлсин. Шу ўринда Мирзо Бобурнинг кўйидаги сатрлари беихтиёр ёдимизга тушади:

Бори элга яхшилик қилгани,
мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро
қолди фалондин яхшилик...
Дилором ИКРОМОВА

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ УЎЛТАНИШ ДОМО БУЎЛУ...

● Бир вақтда бир тўда дарвешлар билан бир шаҳарга етиб келдик ва шаҳар подшошининг золим эканини билдик. Бир-биримизга дедик: «Бу ерда туришга ният ва яшашга ҳаракат қилмайликки, зулм сабабидан диёр хор, золим эса, ўтда куйишга сазовордир. Агар бирор тоифа устига бало ёғилса, катта-ю кичика баробар таъсир қилади.

Бир диёрга тушса,
офат ва бало,
Халок бўлар
катта-кичик бегумон.

Бир далага тушса
ёнги ну олов,
Бирдек куяр ҳўлу
курук ўша он!

У диёрдан кетишга қарор қилгач, татар мамлақати сари йўл олдик. Бир неча турк икки хуржун олтин билан бизга ҳамроҳ бўлдилар. Бундан огоҳ бўлган ўғрилар тоифаси изимиздан кела бошлади. Золим подшо эса ўғрилар бизни қатл этиб, молимизни тортиб олишгач, уларни тутиб, ўзларини ўлдириб, таланган молни ўз хазинасига олиш мақсадида ўғрилар орқасидан лашкар юборди.

Дам олишга турганимизда одамлар оқват ёйишга машғул бўлдилар. Дўстларимдан бири менга деди: «Шу яқин атрофда ов қиладиган чашма бор, ёнимизда эса камон. Агар лозим кўрсанг, ўша жойга бора-райлик. Эҳтимол бизнинг ов домга тушиб қолар!» У ерга бориб бир пана жойга бекиндик. Ногоҳ бир жойдан ит овози эшитилди, мен уларга: «Туринглар, ит овози келяпти. Демак ўғрилар орқамиздан пойлаб юрипти, бориб қарвонга хабар берайлик!» дедим. Қарвонга бор воқеани айтдик, ҳамма ўрнидан турди, қанча қидирмайлик, ўғриларни топа олмадик ва шошиб йўлга тушдик... Кечқурундан то эрталабгача йўл юрдик ва бир манзилга етиб бордик. Икки эшагимиздан бири ўлиб, бири қолди. Ногоҳ ўнг тарафга қоқиб, қирқта девсифди нопок қароқчини кўрдикки, ҳар бири тун мисоли даҳшатли, қўлидаги тиглари эса, нур каби ўткир ва шиддатли эди. Бу бадбахларнинг ҳар бири момақаллоқ каби шуъла гумбирлаб чинқирарди, қўлариданги тиги эса, қақмоқ каби шуъла сочиб ярқирарди. Улар бизга яқинлашган вақтда ҳаммамиз қалъа тепасига чиқиб яшириндик. Бир кун қалъа остида пойлаб ўтирдилар. Охири ўринларидан туриб, жунаб кетдилар. Эшитишимча, улар қайтиб боришгач, золим подшо билан ораларида жанг ўзи берибди ва икки томондан кўп киши ўлиб, дўзахга равона бўпти!

Қитъа:
Муборак саналур,
наҳс бўлса ҳам,
Ўзаро жанг қилса
икки ситамкор.
«Икки золим жанги —
мазлум наҳоти»,
Элда шундай деган
улуғ нақл бор!

Муносабат

БИЗ ҚАНДАЙ КИТОБ ЎҚИЙМИЗ?

Сарлавҳага чиққан ушбу сўз бугунги кунда одатий ҳаёт тарзига айланиб бораётгандай. «Ёшлар» телеканалда ушбу мавзу кўтарилди. Ёшларнинг жавоблари кишини ўйлантиради. «Китоб ўқишни ёқтирмайман», «Умуман китоб ўқимайман». Бу каби фикрларни айтаётган ёшларда на андиша, на хижолат чекиш ҳоллари йўқми, худди одатий ҳолдек. Билимдонлик маънавиятининг юксаклиги, тафаккуридир. Биз келажақда буюк юртни кўрмоқчимиз.

Албатта буни етук, билимдон авлод вакилларигина амалга оширади. Хўш биз шунга тайёрми? Кунлар ўтади, даврлар ўзгаради. Замон юки келиб хозирги ёш авлоднинг елкасига тушади. Бугунги талабанинг вақти келиб давлат бошқарувида иштирок этиши, таълим бериши, умуман олганда аждодлари олдига ҳам бурчлидир. Хозир эрталаб туриб мактабга ёки институтга йўл олган ўқувчи нима учун бораётганини, ота-она ишончи, келажақда ким бўлиши ҳақида ўйламас экан, бу инсондан ниманидир кутишнинг ўзи кулгилidir. Кимгадир ақл ўргатиш ёки кимнидир айблашдан йироқми. Лекин давлатимиз томонидан ёшларга берилаётган имкониятлардан етарлича фойдалана олмаётган ўмирларни кўриб ўйланасан холос. Чунки бугун олиб борилаётган фаолиятимиз эртанги куннинг кифёсани белгилайди. Ниманидир билишга интилаётган илмга қанқоқ ёшларга Ватан умид билан қарайди. Бир вақтлар юз минглаб нусхаларда чоп этилган китоблар дўкон, راستаларда чанг босиб қолмаган, қўлма-қўл бўлиб ўқилган. Таққиланган замонларда «Ўтган кунлар» ни ертўлаларда яшириниб ўқиганлар. Мана сизга муносабат, китобга бўлган қизиқиш, ишонч ҳурмат.

Хўш, бугун-чи? Бугун эса кўпчилик бефарқ, анги нашрларга эътибор беришмаяпти. Айримлар кучи етган, хомий ёрдамда мазмунсизми, керакли-кераксизми, биров ўқийдими йўқми унинг фарқи йўқ, китоб чиқариб асосийси ном қозониши, халққа танилиш билан овера. Муқоваси чиройли бўлган бу китобларни ўқиб чиққан киши чалғийди. Кўпинча кат-

тарларнинг, зиёлиларнинг «Ёшлар китоб ўқимай қўйди», мазмунидаги гаплари кулоққа чалинади. Сўз бугун шароити яхши, ўқиса ўрганса, мамлакат равнақига таянч бўла оладиган талаба — ёшлар ҳақидадир. Инсон кўнглига гўзал туйғуларни солувчи, зиё бўлиб кўриувчи китобнинг қудратини унутмаслигимиз лозим. Хозирги ёшларимиз 4000-5000 сўмлик хорижийнинг қайсидир бурчагидан келган журнал ва шунга ўхшаган газета, китобларни ўқийдию, бундан анча арзон бўлган ўзимизнинг «Отамдан қолган далалар» ни ёки «Чўққида қолган овчининг охи-зорини» олиб ўқимайди.

Гапираверсанг гап, ёзаверсанг сўз кўп. Аммо муаммони бартараф этиш, ижобий ҳал қилишни ҳам ўйлашимиз керак. Ўзбекистон келажагини буюк давлат қила олишга, Ватанга ҳақиқий таянч ва суянч бўла олишга қурбимиз етади. Бунинг учун аввало Президентимизнинг бир сўзини унутмаслигимиз лозим. «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Биз ёшларга Ватан катта ишонч билан қарамоқда. Шундай экан бу ишончни оқлаш бизнинг бурчимиз.

Минглаб нигоҳлар олдида жавоб беришимизни унутманг, азиз ёшлар.
Фазлиддан СУЮНОВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси

Назн гушати

ЭТСАНГИЗ

Бир нигоҳ ташлаб ҳазин
кўнглимни хурсанд этсангиз,
Меҳрингиз нури билан қалбимни
пайванд этсангиз.
Теграингизда дил қуши парвоз
этар айлаб наво,
Не саодат зулфингиз занжири-ла
банд этсангиз.
Даргоҳингизда турибман бош
эзиб, айлаб салом,
Тўпти ширин калом қул,
лафзингиз қанд этсангиз.
Дашту сахро кўйини
номингиз-ла этдим чаман,
Не ажабким нисбатим
Фарҳодга монанд этсангиз.
Мақдамингиз биз томон
етса муродим шул эрур —
Ким Забини хизматингизга
камарбанд этсангиз.

ТўРТЛИКЛАР

Мард эрсанг туғилган маконинг сотма,
Қалбингга гул очган армонинг сотма,
Қилин қирққа ёрғил, майли бул бебош,
Илло фойда, пул деб иймонинг сотма.

Бўри кўзичоқни еди ўрмонда,
Тишлари ўтқиру қўллари қонда.
Қорни тўқ, қорни оч билан иши йўқ,
Бу хислат учрайди баъзи инсонда.

«Бер», «бер»дан ўза бир савдо топмадим,
Бағри кенг, саҳий дўст —
ошино топмадим.

Дунё ташвишлари эғди бошимни,
Дарду аламимга даво топмадим.

Кеккайиб ўтади ёнингдан мағрур —
Кечаги шоғирдинг боқиб осмонга,
Манманлик ярашар Яздона асли,
Манманлик тож эрур ишонга.

Забихуло НУРИЛЛО

Бү — қизик

**120 ЁШГА
КИРГАН ОНА**

Болгариянинг Смолян округи узок умр кўрган одамлари сонининг кўпчилиги билан машхурдир.

Мамлакатнинг жанубий қисми — Родоп тоғ мазеида жойлашган бу округда ҳар 100 минг кишига “энг катта ҳаёт тажрибаси”га эга бўлган 53 киши тўғри келади. Геронтологларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозирги пайтда Смолян округининг 245 аҳоли пунктида бундан юз йил аввал туғилган 90 киши яшамокда, ёши 90 дан ошганлар сони эса минг кишига яқиндир. Бу ўлканинг энг узок умр кўрган кишиси Мадан шахрида яшайдиган Б. Чапалжиевадир. У 120 ёшга кирган. Бу онахонга ҳар қандай спортчи ҳавас қилса арзийди: унинг қон босими 120 га 80, кардиограммасини кўрган шифокорлар ҳайратдан ёқа ушлашади. Унинг кўриш қобилияти яхши. “Бина буви”. Уни округда ҳамма шундай деб атайди. Онахон уй ишлари билан шуғулланади, нарсалар тўқийди ва тикади.

**ИСТАК ЗЎР
БЎЛСА...**

Инглиз аёли Китти Мак Лэйн йигирманчи йилларда жуда ҳам машхур бўлган. Унинг номи 1924 йилдан 1926 йилгача газета саҳифаларидан ҳеч тўшмаган.

Ушанда у Уимблдон теннис мусобақаларининг бир неча бор голиби бўлган эди. Спортчи ўша пайтларда бир ўзи теннис ўйнаган. Яқинда мана шу машхур теннисчи аёлнинг номи яна Лондонда чиқадиган газеталарда пайдо бўлиб қолди. Маълум бўлишича, Мак Лэйн ўзининг 86 ёшига қарамай ҳамон теннисни маҳорат билан ўйнаган экан. Бироқ ёши улғайиши билан теннисчи бу аёлнинг истаги ҳам ўзгарибди: эндиликда, яъни 60 йил ўтгач у жуфт бўлиб теннис ўйнашни ўзига афзал кўради.

**ШУНАҚАСИ
ҲАМ БЎЛАДИ**

Брюсселдаги Завентем аэропортига ҳимоя қилувчи бригада аъзоларидан 8 киши қўлга олинди ва турли муҳлатларга қамоқ жазосига ҳукм этилди.

Қўлга тушган “тартиб кўриқчилари” тунда аэропорт территориясини назоратдан ўткази туриб, бу ерда туралган автомашиналарнинг эшикларини очиб кўп марта керакли нарсаларни ўғирлаб кетишган.

ЁШ ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Яқинда Ўзбекистон Миллий университетининг Иқтисодиёт факультетига “Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусида ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжумани факультет декани Фармон Эгамбердиев олиб борди. Банк-молия академияси аъзоси Д.Расулова, Тошкент Ислом университети 2-курс магистри К.Бурхонов, шу факультет 2-курс талабаси Д.Абдуазизовнинг “Ишлаб чиқаришнинг тартиб этишда меҳнат омилининг ўрни”, “Меҳнат бозорида давлат тартибининг асосий вазифалари” мавзусидаги маърузалари қизгин баҳсларга айланиб кетди. Маърузаларда долзарб мавзу — ишсизлик муаммоси, айниқса, аёлларнинг меҳ-

нат бозоридаги даражаси аниқ фактлар асосида кўрсатилиб, иштирокчиларга тўлиқ маълумотлар бериб ўтилди.

— Бу йилги конференциянинг ўтган йиллардаги анжуманлардан фарқи шундаки, — дейди ёш олимлар кенгаши раиси Комилжон Қўзиёев. — Чунинчи бу йил магистр талабаларга нисбатан бакалавр босқичидаги талабаларнинг иштироки сезиларли бўлди. Бу қуйи босқич талабаларининг иқтисодиёт фани бўйича ўсиши юқори деганидир.

Тадбир сўнггида мазкур анжуманга бағишлаб чиқарилган “Ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами” китоби тадбир иштирокчиларига тарқатилди.

Феруза ФУЗАЙЛОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
М.С.Турсунхўжаева номли тиббиёт коллежи**

2005-2006 ўқув йили учун куйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентларни қабул қилади:
9-синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар дикқатига!

I. 9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Ҳамширалик иши» мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 3 йил.

Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовларидан ўтадилар.

1. Она тили ва адабиёти.

2. Биология.

II. 9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Акушерлик иши» мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 3 йил.

Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовларидан ўтадилар.

1. Она тили ва адабиёти.

2. Биология.

III. 9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Стоматология иши» мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 3 йил.

Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовларидан ўтадилар.

1. Она тили ва адабиёти.

2. Биология.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/5 даҳаси, Ўрозбоев кўчаси, 17-А уй.

Телефонларимиз: 29-72-14, 29-72-15, 29-72-16, 29-72-17, 29-13-94.

Транспортлар: Автобуслар: 82, 76, 10, 100, 87, 85, 65, 131; Маршрут автобус: 32, 35, 120, 117, 11, 87, 86.

Трамвайлар: 18.

IV. 9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Ортопедик стоматология» (Тиш техниги) мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 3 йил.

Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовларидан ўтадилар.

1. Она тили ва адабиёти.

2. Биология.

Кириш учун куйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

1. Директор номига ариза.

2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.

3. 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

4. 3x4 ҳажмли 6 та фотосурат.

5. Маҳалладан маълумотнома.

6. Тикмажилд (ҳужжатлар тикилади-скорошиватель).

7. Хатжилд (конверт).

8. Абитуриент паспортини ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатади.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
М.С.Турсунхўжаева номли тиббиёт коллежи**

2005-2006 ўқув йили учун куйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентларни қабул қилади:
11-синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар дикқатига!

I. 11-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Ҳамширалик иши» мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 1 йилу 10 ой.

Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовларидан ўтадилар.

1. Она тили ва адабиёти.

2. Биология.

II. 11-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Акушерлик иши» мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 2 йилу 6 ой.

Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовларидан ўтадилар.

1. Она тили ва адабиёти.

2. Биология.

III. 11-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Стоматология иши» мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 2 йил.

Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовларидан ўтадилар.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/5 даҳаси, Ўрозбоев кўчаси, 17-А уй.

Телефонларимиз: 29-72-14, 29-72-15, 29-72-16, 29-72-17, 29-13-94.

Транспортлар: Автобуслар: 82, 76, 10, 100, 87, 85, 65, 131; Маршрут автобус: 32, 35, 120, 117, 11, 87, 86.

Трамвайлар: 27.

IV. 11-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Ортопедик стоматология» мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 2 йил.

Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовларидан ўтадилар.

1. Она тили ва адабиёти.

2. Биология.

Кириш учун куйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

1. Директор номига ариза.

2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.

3. 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

4. 3x4 ҳажмли 6 та фотосурат.

5. Маҳалладан маълумотнома.

6. Тикмажилд (ҳужжатлар тикилади-скорошиватель).

7. Хатжилд (конверт).

8. Абитуриент паспортини ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти

реклама агентларини

ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлигига қарашли М.С.Турсунхўжаева**

номли тиббиёт коллежи

2005 йил 19, 20, 21 май кунлари

абитуриентлар учун

«Очиқ эшиклар куни»ни ўткази.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Собир

Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/5 даҳаси

Ўрозбоев кўчаси 17-уй.

Автобуслар: 82, 87, 100, 76, 85, 65, 131

Микроавтобуслар: 87, 19, 120, 32, 10, 35, 86

Трамвайлар: 18

«77-сонли дорихона», «Қорақамиш»

комплекс бозори бекати

Телефонлар: 29-72-14, 29-72-15

29-72-16, 29-13-94

